

«ЭЛ БАХТИ –
МЕҲНАТ ВА
БИРДАМЛИКДА»

2-бет

САЙРАМЛИК
ХОККЕЙЧИ
ҚИЗЛАР

3-бет

МИЛЛАТЛАРНИ
БИРЛАШТИРГАН
ДАВЛАТ ТИЛИ

4-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 23 май, пайшанба, №55 (3401).

ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ШХТга АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ
ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ



Йиғилишни очган Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Қозоғистон, шунингдек, шахсан ўз номидан бутун Эрон халқи ва унинг раҳбариятига бу мамлакат Президенти ва Ташқи ишлар вазирининг фожиали вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Қ. Тўқаев хорижий давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилиши кун тартибидеги долзарб масалаларни ҳал этишда ШХТнинг энг муҳим шакллари билан бири эканини таъкидлади.

– Шунингдек, таъкидлашни истардимки, ўз мамлакатларидаги оғир вазиятга қарамай, Эрон, шунингдек, келажакда сафимизга қўшилаётган Беларусь вакиллари Астанадаги Ташқи ишлар вазирлари кенгашида илк бор иштирок этмоқда. Ишонаманки, мамлакатларингиз «Шанхай руҳи»ни янада мустаҳкамлаш ва ШХТ доирасида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади. Ҳозирда Евроосиё китъасининг унга давлати ташкилотимизга аъзо. Бу мамлакатларда дунё аҳолисининг деярли ярми истиқомат қилади, шунингдек, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг чорак қисми ишлаб чиқарилади ва жаҳон савдосининг 15 фоизи юритилади. Қозоғистон ШХТга раис сифатида ташкилот салоҳиятини янада ошириш учун барча саяё-ҳаракатларини амалга оширади, – деди Давлат раҳбари.

Қ. Тўқаев ташкилотга аъзо давлатларга Қозоғистон ташаббусларини қўллаб-қувватлагани ва ҳамкорликдаги муваффақият-ли фаолият учун миннатдорчилик билдирди.

Президентнинг сўзларига кўра, 100дан зиёд тадбирлар, жумладан, рақамлаштириш, туризм ва энергетика соҳаларида ташкил этилган ШХТ анжуманлари ўтказилди.

– Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатларининг «Муқаддас қадамжолар» лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар ниҳоясига етмоқда. Бизнинг ташаббусимиз билан 2024 йил «ШХТда Экология йили» деб эълон қилинди. Қозоғистон Ҳукумати энергетика, транспорт ва маданият соҳаларида қатор муҳим тадбирларга тайёргарликни давом эттирмоқда. Албатта, биз Астанада ўтадиган ШХТ саммитига алоҳида эътибор қаратамиз. Мамлакатларимиз учун муҳим бўлган мазкур тадбирга ҳар томонлама тайёргарлик кўришда Ташқи ишлар вазирлари кенгаши зиммасига улкан масъулият

оқланган. Муҳим ҳужжатлар рўйхати ва ечимларни ишлаб чиқиш борасидаги ҳаракатларингизни қадрлайман. Давлат раҳбарлари кенгашига 20дан зиёд шундай ҳужжатлар тақдим этилди. Ишончим комилки, уларнинг самарали амалга оширилиши ШХТ доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади, – деди Қ. Тўқаев.

Президент учрашувда киберхавфсизлик масалаларга ҳам эътибор қаратди.

Унинг фикрича, бу борада кибертаҳдидларни эрта аниқлаш ва ШХТ мамлакатлари ахборот инфратузилмасининг барқарор ишлашини таъминлаш дастакларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

– Афғонистондаги вазият жиддий эътиборни талаб қилади. Гуманитар инқирознинг олдини олиш ва бу мамлакатда узоқ муддатли барқарорлик учун шарт-шароит яратиш борасида ҳамкорликни давом эттириш зарур. Алматы шаҳрида «БМТнинг Марказий Осиё ва Афғонистон учун барқарор тараққиёт мақсадлари» минтақавий маркази»ни яратиш бўйича Қозоғистоннинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. Биз иқлим ўзгариши масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Агар шонли равишда олдини олиш чораларини кўрмасак, бу муаммо сайёрамиздаги дунёвий табиий

офатларни янада кучайтириши мумкин. Иқлим ўзгаришларининг оламдаги асосий муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Шу муносабат билан ШХТ табиий офатларга қарши кураш услулари янгиланиши керак. Жорий йилнинг баҳорида мамлакатимиз иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини яққол ҳис қилди. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларингизга Қозоғистондаги ҳалокатли сув тошқинлари даврида кўрсатган ҳамкорлик ва ёрдам учун самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман. Биз бу кўмакни юксак қадрлаймиз, – деди Қ. Тўқаев.

Давлат раҳбари ШХТнинг Астана саммити «Кўп томонлама мулоқотни мустаҳкамлаш – барқарор тинчлик ва тараққиётга интилиш» мавзусида ўтказилишини маълум қилди.

– Шанхай ташкилотининг асосий мақсадларидан бири – минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашдан иборат. Бу борада Ташқи ишлар вазирлари кенгашига катта умид билдирилмоқда. Ишончим комилки, фаолиятингиз натижалари Астана шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишини муваффақиятли ўтказишга хизмат қилади, – деди Қозоғистон Президенти.

Akorda.kz.

Президент



ПРЕЗИДЕНТ ЭРОН ХАЛҚИГА ТАЪЗИЯ БИЛДИРДИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Эрон шимолида юз берган фожиа оқибатида Эрон Ислам Республикаси Президенти Иброҳим Раисий ва унга ҳамроҳлик қилган шахсларнинг ҳалок бўлиши муносабати билан ушбу мамлакат Олий диний раҳбари Оятуллоҳ Али Ҳумоюнни ҳамдардлик билдирди.

Мақтубда, жумладан, Қозоғистон ва Эрон ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорликни, ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли шериклик муносабатларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган Иброҳим Раисийнинг ёрқин хотираси халқларимиз қалбидеги мангу сақланиб қолиши таъкидланади.

Давлатимиз раҳбари дўст Эрон халқи, марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этди.

«Эрон Ислам Республикаси Президенти Иброҳим Раисий ва унинг ишончли ҳамроҳлари вертолёт ҳалокати оқибатида ҳалок бўлгани ҳақидаги совуқ хабардан воқиф бўлдим. Иброҳим Раисий бутун умрини Эрон давлати ва халқи фаровонлигини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш, минтақада барқарорликни сақлашга бағишлаган буюк жамоат арбобидир. Маълумки, унинг ташаббус ва ютуқлари жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда. Қозоғистон халқи Иброҳим Раисийни оқил раҳбар, халқро миқёсда билимдон сиёсатчи, икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган шахс сифатида доимо ёдда сақлайди», дейилади шошилинчномада.

Шу муносабат билан Қозоғистон раҳбари Эрон Ислам Республикасининг Астанадаги элчихонасига ташриф буюриб, Президент Иброҳим Раисий ва ҳукумат делегацияси аъзоларининг фожиали вафоти муносабати билан Эрон халқи таъзия билдирди ва ҳамдардлик китобига ёзув қолдирди.

Akorda.kz.

КЕЛАЖАК КАСБЛАРИ ЛОЙИҲАСИ



Туркистонда техник ва касб-ҳунар йўналишида таълим олаётган талабалар ўртасида «WorldSkills Turkistan-2024» вилоят чемпионати ўтди.

Танлов якунларига кўра, вилоятдан 45 нафар ўқувчи республика босқичига йўл олди. Голлибларни тақдирлаш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажиббаев иштирок этиб, уларга омад тилади.

Вилоят танловда талабалар турли касбий йўналишлар: график безак ва русумлар технологияси «Abilityprints», зироатшунослик, пазандачилик санъати, «CAD» муҳандислик графикаси, бошланғич таълим, бизнес учун IT ечимлар, веб ва пайвандлаш технологиялари бўйича куч синашди.

Қайд этиш жоиз, мазкур мусобақа мамлакатимизда тўққизинчи бор ўтказилмоқда. Ўтган йили вилоятимиз вакиллари ушбу мусобақада 34та олтин, 19та кумуш, 26та бронза ва 37та алоҳида медалларни қўлга киритган эди. Умуман олганда, «WorldSkills» танлови касбга йўналтириш, экспертлар ҳамжамиятини шакллантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, халқро андозалар асосида техник мутахассисликлар бўйича юқори технологияли корхоналарни кадрлар билан таъминлаш дастакларини яратиш мақсадида ўтказилмоқда.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Обуна-2024

Қадрли газетхон!

«Жанубий Қозоғистон»

рўзномасига обуна бошланди.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетлага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуглаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ҲЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

СИАНЬ ШАҲРИДА “МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОҒИ” ОЧИЛДИ

«ChinaNews» хабарига кўра, ушбу боғни барпо этишдан мақсад Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги маданий ҳамкорлик, сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, иқтисодий ва савдо музокараларини ўзига мужассам этган янги мулоқот майдонини яратишдир.

Бутун боғ тахминан 54 гектар майдонни эгаллайди.

Боғда манзарали ҳудуд, “Бизнес-анжуман майдони”, “Марказий Осиё маҳсулотлари кўргазма зали” ва “Марказий Осиё миллий таомлари зали” каби турли ҳудудлар мавжуд.

“Марказий Осиё маҳсулотлари

кўргазмалар зали”да Марказий Осиё давлатларидан келтирилган 1000дан зиёд маҳсулот намойиш этилмоқда ва сотилмоқда.

Марказий Осиё маҳсулотлари ва бу давлатларнинг ўзига хос маданияти Хитой халқида улкан қизиқиш уйғотмоқда.

Боғда ташкил этилган Мар-



казий Осиё сайёҳларга хизмат кўрсатиш марказида кўпчилик Марказий Осиё мамлакатларига сайёҳат қилиш юзасидан маслаҳат сурамоқда.

Сиань (мамлакатнинг биринчи пойтахти бўлган) шаҳрини ҳақли равишда Хитойнинг транспорт, логистика, технологик, маданий

ва тарихий маркази деб аташ мумкин. Сиань, шунингдек, Қозоғистон маҳсулотларини экспорт қилиш учун кенг имкониятлар эшигини очадиган порт ва замонавий технологиялар манбаидир.

24.kz.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ЧИГИРТКАГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА



Қозоғистон Республикаси Бош вазири Ўлжас Бектеновнинг топшириғига кўра, Бош вазир ўринбосари Серик Жумангарин, Қишлоқ хўжалиги вазири Айдарбек Сапаров, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосарлари оммавий экиш мавсумида минтақаларни оралашни бошлади.

19 май куни Бош вазир ўринбосари Серик Жумангарин Туркистон вилоятида бўлди. У жойлардаги фитосанитария вазири билан танишиб, чигиртка тарқалиш хавфи мавжуд туманларга борди ҳамда вилоятдаги экин майдонларини кўздан кечирди.

Кун тартибда экин экишда

қулай фурсат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни имтиёзли насия билан таъминлаш, деҳқон хўжалиқларига насия олишда 85 фоизли кафолат, минерал ўғитларни етказиб бериш ва бошқа қатор масалалар муҳокама қилинди.

Хизмат сафари доирасида Серик Жумангарин чигирткага қарши оммавий қайта ишлов бериш тадбирлари олиб борилаётган туманларнинг экин майдонларини ҳам кўздан кечирди. Туркистон вилояти экинлар майдони бўйича элимиздаги 3-худуд қаторида. Минтақа биринчи бўлиб зараркунданнинг энг хавфли тури – Маро-

каш чигирткасига қарши фаол курашни бошлади.

Жами 272 минг гектар майдонга қайта ишлов берилди. Унинг 252 минг гектари (93 фоизи) 19 майгача қайта ишловдан ўтди. Қолган 20 минг гектари яқин кунларда қайта ишловдан ўтади.

Минтақадаги катта майдонларда қайта ишлов бериш тадбирларига 360дан зиёд одам жалб қилинган. Улар қаторида Туркистон ҳамда бошқа вилоятларнинг туман-шаҳарларидан келган нозирлар, мутахассислар, тахмин маркази ходимлари, шунингдек, масалага берақ бўлмаган маҳаллий аҳоли ҳам бор.

Мақтаарал туманида йилига 5 минг тонна парранда гўшти етиштирадиган завод ишга туширилди.

ЙИЛИГА 5 МИНГ ТОННА ПАРРАНДА ГЎШТИ



«Мырзашөл-қўс» МЧБ паррандачилик фермаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ривожлантириш мақсадида ташкил этилди. Шунингдек, корхона озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва вилоят аҳолисига парранда гўшти ва тухум етказиб беришга бел боғлаган.

Таъкидлаш жоизки, корхона I, II босқичларида йилига 20 миллион дона тухум, 5 минг тонна парранда гўшти етиштиради. III, IV босқичларида бир кеча-кундузда 48 тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган ем-хашак цехини ишга қўйиш режаланган.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ИЧИМЛИ СУВ МУАММОЛАРИ КУН ТАРТИБИДА



Вилоятимизнинг қатор туманларида ичимли сув масаласи долзарблигича қолмоқда.

Бу борада Келес тумани ҳокими Жанибек Ағибаев Россия Федерациясидан келган сармоядорлар билан биргаликда юртимиздаги ичимли сув тизими билан шуғулланадиган олимларни қабул қилиб, тумандаги ичимли

сув тизимидаги долзарб масалаларни муҳокама қилди. Туман раҳбари минтақадаги муаммоли масалаларга тўхталиб, имкониятлар борасида ҳам ахборот берди.

Туман ҳокими Ўзбекистондан келадиган «Зах» каналнинг магистрал сув қувурини тозалаш орқали Келес туманидаги 8та қишлоққа ичимли сув

етказиб бериш имкониятидан самарали фойдаланишга чақирди.

Уз навбатида сармоядорлар ҳамда ичимли сув соҳасидаги мутахассислар мазкур имкониятни баҳолаш учун аниқ тадиқот ишларини юритиш жоизлиги, келгусида қўшимча тавсиялар киритишларини маълум қилишди.



«ЭЛ БАХТИ – МЕҲНАТ ВА БИРДАМЛИКДА»

Туркистон шаҳрида «Эл бахти – меҳнат ва бирликда» мавзюда вилоят Қозоғистон халқи Ассамблеясининг XXVI сессияси ўтди.

Тадбирда ҚХА раиси ўринбосари, Ассамблея котибияти мудир Марат Азилханов, вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов, шунингдек, ҚХА кендаш аъзолари, вилоят маслаҳати депутатлари, вилоят бошқармалар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, зиёлилар, туман, шаҳар ҳокимлари, вилоят ҚХА тузилмалари ҳамда этномаданият бирлашмаларининг етакчилари, ёшлар ташкилотлари аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Сессияни вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев олиб бориб, вилоят ҳокими Дархан Сатибалдиннинг топшириғига кўра, жамоат туглигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларга тўхталиб, Туркистон вилоятида этномаданият соҳасидаги ишлар республикада юксак баҳоланганини таъкидлади. Вилоятдаги этнос вакиллари томонидан қозоқ халқининг тили, маданиятини ўрганишга интилиш юқори. Минтақада этнос ва-

килларининг 92 фоизи қозоқ тилини тўлиқ ўзлаштирган.

Сессия доирасида вилоят ҚХА Кенгашининг мажлиси ўтди. Унда қонунчилик доирасида ўрин алмашиш тартибда вилоят ҚХА раисининг ижтимоий асосдаги ўринбосарлари лавозимига «Ахиска» турк этномаданият бирлашмаси раиси Сарманбой Сафаров ҳамда вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баходир Ирисметов сайланди. Кенгаш аъзолари янги лавозим соҳибларининг минтақадаги жамоат туглиги ва умумийлик бирлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларига муваффақият тилади.

Сессияда ҚХА Раиси ўринбосари Марат Азилханов яқинда Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев раислигида ўтган ҚХАнинг «Бирдамлик. Бунёдкорлик. Тараққиёт» номи XXXIII сессиясида белги-ланган мақсад-вазифаларга тўхталиб, Шунингдек, Раис ўринбосари оғир пайтда сув тошқинидан азият чеккан фу-

қароларга ёрдам кўрсатган барча туркистонликларга миннатдорчилик билдирди.

Тадбирда «Ахиска» турк этномаданият бирлашмаси аъзоси Венера Саражова, Тўлебий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси аъзоси Жамол Қодиров, вилоят славян этномаданият бирлашмаси аъзоси Елена Стребкова минтақада амалга оширилган хайрия тадбирлари, давлат тилини қўллаб-қувватлаш доирасини кенгайтириш, умумий вазиет, медиация ҳамда мустақиллик йилларида ёшларнинг Қозоғистоннинг тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида маъруза қилишди.

Сўнг, Марат Азилханов ва Бейсенбай Тажибаев минтақамизда этнослараро ва ижтимоий туглигини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ фуқароларни тақдирлади. Сафар доирасида Марат Алмасули Туркистон шаҳрида Президент топшириғига мувофиқ барпо этилаётган «Дўстлик уйи»нинг қурилиши билан танишди. Маълум ишчор жорий йил куз ойида фойдаланишга топширилади.

МУЗ САРОЙИДА – САҲНА АСАРИ



Туркистон – орзулар шаҳрига айланмоқда. Маданий ва маънавий йўналишдан ташқари, янги бинолар барпо этилиб, аҳолининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун имкониятлар яратилмоқда. Шунингдек, «Муз саройида» саҳна асарларини намойиш этиш режаланмоқда.

Ушбу йўналишда Туркистон вилояти Маданият ва сайёҳлик бошқармасининг Райимбек Сейтметов номидаги музыка драма театри Туркистон вилояти жисмоний тарбия ва спорт бўлимининг «Қишки спорт турлари бўйича Туркистон спорт клуби» билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолади.

– Вилоят марказининг муз саройида саҳналаштирилган асар йил охирида томошабинларга тақдим этилади. Ёз ойларида театр актёрлари муз устида конькида учини ўзлаштирадиган ва бир неча ой машқ қилишади. Мамлакатимиздаги театр актёрлари бундай ноёб лойиҳада иштирок этмаган, – дейди театр раҳбари Арман Алиев.

Таъкидлаш жоизки, саҳна кўриниши 20 декабрь ва 13 январь ораллигида кўпчилик эътиборига ҳавола этилади.



НОҚОНУНИЙ ЕР ҚАЗИШ ҲОЛАТЛАРИ КАМАЙГАН

Вилоят ҳудудида ер ости бойликларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бултурги шу даврга нисбатан 30 фоизга камайган. Ушбу йўналишда ишлар вилоят ҳокими Д. Сатибалдиннинг топшириғига мувофиқ, ваколатли органлар ҳамда туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан қатъий назоратга олинган.

Айни дамда вилоят тадбиркорлик ва саноат бошқармаси томонидан мунтазам мониторинг юритилиб, натижада йил бошидан буён 12та ноқонуний қазилма нўқталари аниқланган. Сўнг тегишли чора кўрилиши учун

вилоят полиция департаменти ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликларига юборилган.

Вилоятдаги туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ер ости бойликларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилган. Жами 66та рейд тадбири уюштирилди. Натижада камчиликлар бартараф этилди. Рейд чора-тадбирлари ижобий натижа бермоқда.

Шу боис ҳам ер ости бойликларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш борасидаги тадбирлар давом этади.

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОММАЛАШМОҚДА

Маълумотларга кўра, юртимизда сўнгги йилда вегетация давридаги ёғингарчилик миқдори 25 фоизга камайган. Шу муносабат билан Ўрдабоши туманида 1300 гектарда сув тежовчи технология жорий этилмоқда.

Ўрдабоши тумани ҳокими Азат Ўралбаев Қажимукан қишлоғига ташриф буюриб, «Жан-2004» МЧБ фаолияти билан танишди. Ушбу биродарлик 450 гектар майдонда ёмғирлатиб сугориш усулида хашакбоп экинлар етиштирмоқда.

Лойиҳанинг қиймати 45 млн. тенгени ташкил этиб, сув тежовчи ускуналарини «BNK Irrigation» МЧБдан харид қилган.

Туман раҳбари ушбу деҳқон хўжалигининг фаолиятига ижобий баҳо бериб, сув тежаш орқали мўл ҳосил олиш мумкинлигини таъкидлади.

– Давлат раҳбари ўтган йилги 1 сентябрдаги Мақтубида сув захираларини тежаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. 2030 йилларга бориб мамлакатимизда сув танқислиги 12-15 миллиард куб метрни ташкил этиш мумкинлигини таъкидлади. «Сувнинг ҳам тарозиси бор» деганларидек, сувни тежаш фойдаланишимиз керак, – деди туман ҳокими.

Бугунги кунда туманда 31та деҳқон хўжалиги 474 гектар майдонда томчилик сугориш тизимини жорий этган.

»» Аждодларимиз жасорати – ёшлар учун ибрат

ВАТАНГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТНИНГ ЁРҚИН РАМЗЛАРИ

КОЗОҚ ХОНЛИГИ ДАВРИДАГИ МАФКУРА: ЖАНГОВАР-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲНИ ТАЪРИФЛАШДА ҚЎБИЛАНДИ БОТИР ДОСТОНИНИНГ АҲАМИЯТИ



Вилоят марказида ўтган тарихий анжуман қозоқ халқининг машҳур қаҳрамон фарзандлари Қубиланди ботир ҳамда 1924 йили 25 майда таваллуд топган Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мустақил Қозоғистоннинг биринчи мудофаа вазири, армия генерали Сағадат Қўжахметули ҳаёти, фаолияти ҳамда бугунги авлодга тарбиявий аҳамияти мавзусига бағишланди.



Залда ёнимда ўтирган кекса меҳмон, кўшни Ўзбекистоннинг Навоий шаҳридан ташриф буюрган Тўребай Сарсенбайули билан ҳам мулоқотда ушбу анжуман ва Қубиланди ботир шахсига бўлган ҳурматим янада ортиди. ХҚТУ профессори Дўсай Кенжетай бошқарган илмий анжуман аввалида вилоят маданият бошқармаси бошлиги Азимхан Қўйлибаев меҳмонларни муборакбод этди. Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси Жарилқасин Азиретбергенов хотиралари, адабиётшунос-тарихшунос профессорлар Шакир Ибраев, Тинишбек Қўниратбаев, Бахт Абжат маърузаларида Қубиланди ботир

шахси ва машҳур достони ҳақида маълумот берилди.

Теги бир туркий – қозоқ, ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ халқлари учун муштарак бўлган Қубиланди ботирнинг эл ҳимояси йўлидаги довораклиги ҳақида бугунгача жами 29та эпос достонлари мавжуд. Энг мукаммал – маърифатпарвар олим Ибрай Алтинсарин 1860 йили оқин Марабай Мергенбайдан

ёзиб олган нусхаси ҳисобланади. Қадрдон ватанга садоқат, она юрт равнақиға ҳолис хизмат, эл муҳофазасига тайёр туришдек фазилатлар ёш авлод учун ибрат мактабидир.

Ясси қишлоқ округи ҳудудида Қубиланди ботир истироҳат боғи ҳамда қаҳрамон хотирасига бағишланган баландлиги 15 метрлик улкан ёдгорлик тантанали очилди.

Унинг ҳоймиси, Саврон тумани жамоатчилик кенгаши раиси, таниқли тадбиркор Абсамат Маткаримулига “Улес” хайрия жағнамаси таъсис этган “Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси” унвони тақдим этилди. Мукофотни фахрий отахон Тўлқин Саидмуродов, фаол обуначиларимиз Дониш Маннотов ва Ражаб Қариевлар топширишди.

Анжуманда ХҚТУ олими Д. Кенжетай монументал ҳайкал очилган “Енбекши дихан» аҳоли манзилининг илгариги тарихий номи – Чўбонқ ҳақида фикр юритди. Қишлоқ оқсоқоли Бобош Мутеновнинг тарихий Чўбонқ номини қайта тиклаш ҳақидаги таклифи рўйбага ошса, ажаб эмас. Зеро, анжуман аҳли номидан ушбу таклиф вилоят ономастика комиссиясига йўлланди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.



»» Театр

“ИНСОН ЎЗИНГ...”



Шимкент драма театри сахнасида Сирдарё вилояти мусикали драма театри актёрлари ижросида Тўрилло Аббосхоннинг “Инсон ўзинг...” трагикомедияси намойиш этилди.



Спектакль аввалида театр раҳбарияти сирдарёлик меҳмонларга ташриф учун миннатдорчилик билдириб, ташаккурнома ҳамда эсдалик совға топширди. Ўз навбатида театр актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шариф Жумаев мезбонлар ҳамда барча томошабинларга дил изҳорини билдирди. Қолаверса, режиссёр Мансур Холиқов сахналаштираган ушбу асар нафақат Ўзбекистон, балки кўплаб қардош республикалар сахналарида муносиб кутиб олинди. Саҳна асари инсоннинг шахс сифатида камол топишида атрофдагиларнинг меҳр-муҳаббати, оилавий ришталарга эътиборнинг қанчалар муҳим эканлигини тасвирлайди.

Асарнинг бош қаҳрамони Азиз (Ҳ. Мусурмонқулов) болаликдан отасининг паноҳида бўлса ҳам ака ва опа, атрофдагиларнинг меҳри, эътиборига муҳтож бўлиб улғаяди. Отаси катта ўғлига Азизни эҳтиёт қилинлар, дея васият қилади. Бироқ ота вафотидан сўнг, уни акаси ва келинояси руҳий касалликлар шифохонасига топшириб юборадилар. Азиз у ердан қочиб, ўзга қишлоқлардаги бир хонадонга келиб қолади. Бу чапани, меҳрибон чўпон оиласи бўлиб, Азиз шу ерда меҳр ва эътибор кўради, қайта тарбияланади, оилали, бола-чақали бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топади. Ўз жигарларидан топмаган меҳрни етти ёт бегоналардан топиб, чин инсонга айланган ука ота ҳовлисига бориб, қашшоқликда кун кечираётган ака, опа учун чарақлаган кўёш каби кириб келади...

Дарҳақиқат, саҳна асарида бугунги кунда тез-тез учраётган оғриқли масалалардан бири тилга олинган. Ҳаётда меҳр-оқибат, қадрият, жигаргўшалик ришталарининг нафақат муқаддас туйғулар эканлигини тарғиб этувчи асарда Ф. Уринов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ш. Жумаев ва М. Маматиллаохунова, артистлардан И. Оллаёров, Р. Ҳайитова, Д. Мирсолиева, Ф. Қурбонова, Ш. Каттабобоев, Қ. Рустамов ва Б. Мирсаидовлар ижросидаги саҳна асари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

М. УСМОНОВА.

»» Туркистон вилояти ташкил этилганига – 6 йил

ТАРАҚҚИЁТ ВА БУНЁДКОРЛИК МАҲСУЛИ



Мен Саврон тумани, Эски Иқон қишлоғидаги Ал Форобий номли умумтаълим мактабида ёш авлодга таълим берман. Мактабимиз туман, вилоят, республика танловларида голибликни кўлга киритмоқда. Бу ҳақда суюқли нашимиз “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасида мунтазам ўқиб, фахрланаман.

Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг замондоши бўлган Ошиқ Юсуф ота мажмуасини зиёрат қилувчилар сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Қишлоғимиз марказида янги муҳташам бинолар, савдо марказлари барпо этилиб, халққа хизмат кўрсатмоқда.

Вилоят маркази Туркистон шаҳри, Яссавий мақбараси атрофи жаҳон сайёҳлик марказлари андазалари даражасида ободонлаштирилиб, кў-

каламзорлаштирилди. Зиёратчилар учун барча қулайликлар яратилган. Узоқ-яқиндан келган меҳмонларни фахр-ифтихор ила кўҳна ва навқирон Туркистоннинг диққатга сазовор қадамжоларини зиёрат қилишга чорламоқдамиз.

Ташкил топганига 6 йил бўлаётган Туркистон вилоятининг фуқароси эканлигим билан фахрланаман.

Равшаной АРСЛОНОВА.

Сайрам даҳасидаги Садоқатхон Сулаймонова раҳбарлик қилаётган «Жамолдай она» болалар боғчасида «Ёш рассом» мавзусида тадбир ўтди.

Унинг ташаббускорлари – тарбиячилар Зулфия Ниёзалиева ҳамда Доно Рашидованинг айтишича, мақсад – касбга қизиқтириш, болаларнинг хулқ-атворини яхшилаш, улардаги қобилиятни, истеъдодни қўллаб-қувватлашдан иборат эди. Танлов фарзандлар келажакининг пойдеворини мустаҳкамлаш учун қўйилган яна бир қадам бўлди.

Тадбирда болаларнинг қўл ҳаракатларини ривожлантириш учун «Триз педагогикаси» усули қўлланилди. 4 нафар боладан иборат 6 та гуруҳ қатнашчилари акварель, гуашь, пластилин ёрдамида табиат манзараларини ифодалашди.

Ҳайъат аъзолари уларнинг ижодига юксак баҳо берди. Тадбирда иштирок этган рассом ва сеҳргар уни қизиқарли ўтишига ҳисса қўшди. Ҳолиблар ташаккурнома билан тақдирланди.

М. УСМОНОВА.

ЁШ РАССОМЛАР ТАНЛОВИ



»» Шашка

ЖАҲОН КУБОГИГА ҚАТНАШДИ

11-18 май кунлари Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрида 64 катакли шашка бўйича жаҳон кубоги бўлиб ўтди.

Аҳамиятли жиҳати, унда “Янги Иқон” умумий ўрта мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Ажажон Иззатуллаев билан 3-“А” синф ўқувчиси Маржонабегим Ирисбек иштирок этди. Ёш бўлишига қарамай, Маржонабегим мазкур нуфузли

мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, кучли еттиликдан ўрин олди. Шашка тўғрисида қатнаш бошлаганига эндигина етти ой бўлган Маржонабегим бунга қадар Туркистон вилоятининг биринчилигида иккинчи ва учинчи ўринларни кўлга киритиб, ҚР биринчилигида иштирок этган эди.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.



САЙРАМЛИК ХОККЕЙЧИ ҚИЗЛАР

Сайрам туманида хоккей спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ақсу жекпе-жек» спорт клубида очилган хоккей тўғрисида 80 нафарга яқин бола қатнашмоқда. Малакали мураббийлар ўғил-қизлардан иборат иккита гуруҳда иш олиб бормоқда.

Яқинда Қизилўрда вилояти, Сирдарё туманида хоккейдан Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий, СССР спорт устаси Султан Қобландин хотирасига бағишланган турнир ўтди. Чим устидаги хоккей мусобақасида 13та жамоа иштирок этди. Унда муваффақиятли қатнашган Қанат Накипов мураббийлик қиладиган Сайрамнинг қизлар жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

“SENIM SEN SORIUM” – ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

Туркистон шаҳрининг Самал кичик туманида 75 ўринли “SENIM SEN SORIUM” номли янги болалар боғчаси фаолиятини бошлади.



Муассаса мутасаддиси Шаҳзода Эшметованинг гапларига кўра, кичик гуруҳга бир ярим ёшдан, ўрта гуруҳга уч ёшдан ҳамда мактабгача тайёрларлик гуруҳига беш ёшдан болалар қабул қилинади. Болалар боғчаси тарбияланувчилари тўрт маҳал овқат билан таъминланади. Ушбу маскан автоқўликлар қатнови гавжум кўча шовқин-суронидан ҳоли.

Соя-салқин боғча ҳовлисида кичкинтойлар турли жисмоний ўйинлар билан машғул бўлиши учун барча шароитлар муҳайё.

Тарбияланувчилар олий маълумоти мураббийлар назоратида бўлишади. Тажрибали логопед-дефектолог Гулноз Матиева болалар талаффузидаги нуқсонларни бартараф этишга қафолат беради. Болалар боғчаси жамоаси – “Жанубий Қозоғистон” газетасининг обуначилари.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: кичкинтойлар эртак томоша қилмоқда.

Муаллиф суратга олган.

